Холбаев Санжар Илхомович,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 2-босқич докторанти

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АНТИМОНОПОЛ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

УДК: 339.137:34 (575.1)

ХОЛБАЕВ С.И. ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АНТИМОНОПОЛ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Мақола Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши шароитида ички бозорда рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган антимонопол сиёсатни ривожланишини тадқиқ этишга бағишланган. Илмий изланишда антимонопол қонунчилик вужудга келишининг жаҳон тажрибасига тўхтаб ўтилган ҳамда Ўзбекистонда ушбу соҳанинг ривожланиши босқичларга тақсимлаб таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: рақобат, рақобат муҳити, рақобатбардошлик, демонополизация, антимонопол қонунчилик, монополия, истеъмолчи ҳуқуқлари, реклама.

ХОЛБАЕВ С.И. МЕСТО АНТИМОНОПОЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ФОРМИРОВАНИИ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Статья посвящена исследованию развития антимонопольной политики, направленной на обеспечение конкурентной среды на внутреннем рынке в условиях усиливающейся интеграции Узбекистана в мировую экономику. В данном исследовании рассмотрен мировой опыт появления антимонопольного законодательства, а также изучено поэтапное развитие данной сферы в Узбекистане.

Ключевые слова: конкуренция, конкурентная среда, конкурентоспособность, демонополизация, антимонопольное законодательство, монополия, права потребителей, реклама.

KHOLBAEV S.I. THE PLACE OF ANTITRUST LEGISLATION IN THE FORMATION OF A COMPETITIVE ENVIRONMENT IN UZBEKISTAN

The article is devoted to studying development antitrust policy aimed at ensuring a competitive environment in the home market under condition of increasing integration of Uzbekistan into the world economy. In the research, world experience of developing of antitrust laws is reviewed and developing of the sphere in Uzbekistan is also investigated stage by stage.

Keywords: competition, competitive environment, competitiveness, de-monopolization, antitrust legislation, monopoly, consumer rights, advertisement.

Кириш.

Жаҳон амалиётида антимонопол қонунчилик бир асрдан кўп тарихга эга. Дастлабки қонунчилик XIX аср охирида АҚШда нефт саноати ва темир йўл орқали ташиш соҳасида монополия ёки трастларни жиловлаш мақсадида пайдо бўлган. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрациясида иштирок этиш, монополиянинг ўсишига жавобан АҚШ конгресси 1890 йилда Шерман қонунини қабул қилди. 7 моддадан иборат бўлган мазкур қонун жуда кенг бўлиб, нималар савдога тўсиқ бўлишини ва қандай ҳаракатлар савдонинг монополлашувини ифодалашини тушунтирмайди. Қонунни талқин қилиш ҳуқуқи судларга тақдим қилинган эди. Судлар алоҳида ҳолатларни кўриб чиқиш асосида ушбу қонун бўйича ўз шарҳларини беришган, кейинчалик, судлар прецедентни кўриб чиқишда бирор бир термин ёки модда қандай шарҳланган бўлса, ўшани далил қилиб кўрсатишган. Мазкур қонун ижросининг назорати АҚШ Адлия департаментига юклатилган бўлиб, кейинчалик Шерман қонуни бузилиш ҳолатларини кўриб чиқиш кўпайганлиги сабабли Антитрест бўлими ташкил қилинди. Ушбу бўлим моҳиятан АҚШнинг илк антимонопол ташкилоти бўлди.

Аммо Шерман қонунида бизнес бирлашиши сабабли юзага келадиган монополиялар ҳақида айтилмаган, эркин бозорда рақобатни чегараловчи кўпгина фаолият турларини қамраб олинмаган ҳамда қонун тилининг бир хил эмаслиги сабабли қоидалар ноаниқ ва икки маъноли тушунтирилган. Шунинг учун 1914 йил нархлардаги дискриминацияни, рақобатни кучсизланишига ва бозорларни монополлашувига олиб келувчи компанияни сотиб олиш билан бирлашувини тақиқловчи Клейтон қонуни қабул қилинди. Шу йили Федерал савдо комиссияси-Адлия департаментидан мустақил бўлган янги антимонопол ташкилот тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Антитрест қонунларини қўллаш амалиётида Шерман ва Клейтон қонунларига тузатишлар киритган Робинсон-Петман қонуни(1936 й.), Селлер-Кифовер қонуни (1950 й.) ва Харт-Скотт-Родино (1976 й.) қонунлари қабул қилинди. Натижада АҚШ антимонопол қонунчилиги АҚШ иқтисодиётининг динамик ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб борди.

XX аср бошларида Австралия, Канада ва Буюк Британия каби бошқа англосаксон давлатларида ҳам антимонопол қонунлар қабул қилинди. Европа мамлакатларида антимонопол қонунларнинг қабул қилиниши ўтган асрнинг 40-50 йилларида бошланди.

80-90 йилларда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришни аниқлаш ҳамда товар ва хизматларни тақсимлаш механизми сифатидаги давлат бошқарувидан кўра бозор кучларига кўпроқ эътибор қаратилгани сари иқтисодий либерализация, очиқ бозор ва савдони рағбатлантиришнинг умумжаҳон тенденцияси кузатилди. Антимонопол сиёсат мустақил сотиб олувчилар ва сотувчилар орасида рақобатни баъзида рағбатлантириш, баъзида талаб қилиш йўли билан иқтисодий либерализацияни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун 80-90 йиллар давомида амалда барча ривожланган мамлакатлар рақобат тўғрисидаги қонунларини кучайтирди. Бу вақтда баъзи мамлакатлар савдо ва рақобат йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган янги қонунларни жорий қилди.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ҳамда ташқи савдонинг либерализациялашуви жараёнларининг кучайиши шароитида ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш талаб қилинади. Бу эса мамлакатда рақобат муҳитининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш, антимонопол сиёсатни амалга ошириш механинизмларини ривожлантиришни объектив заруратга айлантиради. Шу боис, рақобатни ривожлантириш таркибий ислоҳотларининг амалга оширишда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев: "Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топишимиз зарур. Монополиядан чиқариш, рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича якдил йўналишимиз бўлиши керак", – деб таъкидлаган[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи. https://uza.uz/oz/politics/ra-obat-bozor-i-tisodiyetiga-atiy-tish-zharayenida-printsipi-28-05-2020

Илмий муаммонинг қўйилиши.

XX асрнинг 90 йилларигача Ўзбекистонда барча соҳаларда давлат монополияси ҳамда марказлашган режали иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти сабабли рақобат мавжуд эмас эди. Режали иқтисодиётнинг монопол эффектлари қуйидаги кўринишда намоён бўлди: 1) кўпчилик тармоқларда 1-2 та йирик корхоналар томонидан намойиш қилинган концентрациянинг юқори даражаси; 2) нархларнинг ўрнатилиши ва ресурсларнинг тақсимланиши марказлашган; 3) ҳар бир корхона ўз товарига ортиқча талаб натижасида муқаррар монопол бўлганда, "сотувчи бозори"ни шакллантирадиган товарларнинг умумий дефицити; 4) бозор иқтисодиётларидаги рақобатнинг асоси - хусусий корхоналарнинг мавжуд эмаслиги.

Агар 1996 йилда Монопол корхоналарнинг Давлат реестрига 828 корхона 5186 товар ва хизматлар тури бўйича кирган бўлса, 2020 йилнинг 1 апрел ҳолатига 136 корхона 11 турдаги товар ва хизматлар бўйича киритилган[1]. Амалга оширилган қатор ислоҳотлар монопол корхоналар сонини аҳамиятли камайтирган бўлсада, айрим тармоқлар ва фаолият турларида монополия сақланиб қолмоқда. Бу эса антимонопол сиёсатни амалга оширишда чекловлар мавжудлигидан далолат беради.

Тадқиқот мақсади.

Илмий изланишимизнинг мақсади Ўзбекистонда антимонопол сиёсатни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, рақобат муҳитининг шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш ҳамда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, мамлакат иқтисоди ва товар бозорларидаги ҳолатнинг ўзгаришига мос жавоб қайтара оладиган рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим бўлган хулосаларга эришиш.

Тадқиқотнинг илмий моҳияти.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши шароитида мос рақобат муҳитини яратиш бозор муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Рақобат нафақат бозорнинг самарали фаолият юритишига ёрдам беради, балки хўжалик фаолиятини юритиш натижасида юзага келадиган турли хил диспропорцияларни табиий тартибга солувчисидир. Рақобатнинг асосий чекловчиси – бозор иштирокчиларнинг тор доирасидаги бозор концентрацияси ҳисобланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, антимонопол қонунларнинг 200 йилдан ортиқ тарихига қарамасдан, ҳанузгача антимонопол сиёсатни амалга оширишнинг янада самаралироқ шаклларини қидириш давом этмоқда.

Тадқиқот методлари.

Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг анализ ва синтез, таққослаш, иқтисодий статистик методларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Туб иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан бир вақтда содир бўлган антимонопол сиёсатни шакллашишини қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин[2]:

1-босқич (1991-1999 йиллар). Рақобатни ривожлантиришнинг институционал асосларини яратиш.

Мустақилликка эришиш билан биринчи даражали вазифа бозор муносабатларини ривожлантириш, энг аввало, хусусий мулкчиликни шакллантириш йўли билан таркибий қайта қуришни амалга ошириш бўлди. Шунинг учун антимонопол сиёсат давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатининг бир қисми сифатида қаралди. Шу мақсадда 1992 йилда мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилган "Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

1992 йилнинг июль ойида Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб монополияни огоҳлантириш ва чеклаш, ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик, антимонопол қонунчиликка риоя қилишни назорат қилишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган "Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида"ги қонунни қабул қилди. 1996 йил эса товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 1997 йил табиий монополия субъектлари, истеъмолчилар ва давлат органлари иштирок этадиган товар бозорларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Шунингдек,

[1] Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси; https://antimon.gov.uz/uz/xizmatlar/ochiq-malumotlar/tabiiy-monopoliya-subektlarining-davlat-reestri

[2] Аналитический доклад ЦЭИ "Основные направления совершенствования антимонопольной политики в условиях углубления экономических реформ", 2017 г., № 1, стр. 6.

рақобатни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар бошқа қонунлар ва норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади[1].

Шу билан бир вақтда янги институтлар – антимонопол ташкилотлар тузилди. 1993 йил Молия вазирлиги ҳузурида монополияга қарши ва нарх сиёсатини олиб бориш бош бошқармаси ташкил қилинди. Антимонопол сиёсат ролининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, 1996 йилда мазкур ташкилотга истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиий монополиялар ва реклама фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка амал қилишни назорат қилиш бўйича қўшимча вазифалар юклаш билан Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси мақоми берилди[2]. 2000 йилда Қўмита Молия вазирлиги тизимидан чиқарилиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сифатида қайта ташкил қилинган[3].

2-босқич (2000-2010 йиллар). Демонополизация, монополистларни бўлиб юбориш ва қайта ташкил этиш.

Хусусийлаштириш жараёнида давлат корхоналарини акционерлар жамиятларига оммавий айлантириш юз берди. Аммо давлат улушининг сақлаб қолиниши натижасида корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёни улар асосида янги бўлишига қарамасдан, аввалгидек монопол тузилмаларни қисман пайдо бўлиши билан бирга содир бўлди. Пировардида хусусийлаштириш амалда бозор демонополизациясига олиб келмади. Агар 2000 йилда 50 та энг йирик саноат корхоналари саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 52,9% ишлаб чиқарган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 58,4 % ни ташкил қилиб, бозор концентрациясининг юқори эканлигидан далолат бермоқда[4].

1999 йил "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, қонун мазмунан ва ҳажман (10 тадан 20 моддага) кенгайди. Хусусан, истеъмолчи тушунчаси, унинг ҳуқуқлари, уларнинг ҳимояси, қайси соҳаларда табиий монополия субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши, табиий монополия субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди. 2007 йил ва 2010 йилларда ҳам мазкур қонунга монополияга қарши органнинг ваколатлари, табиий монополия субъектларининг ҳуқуқлари ва бошқаларга доир ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Демонополизация жараёни монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини реализация қилиш йўли билан амалга оширилди. Жумладан, 2001 йилда темир йўл транспорти, автомобиль транспорти, пахта тозалаш саноати соҳасида монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш, рақобат муҳитини яратиш, тармоқни ривожлантириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга рақобат муҳитини шакллантириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини жадал ривожлантириш ҳисобига бозорда иштирокчилар сонини кўпайтириш орқали содир бўлди[5]. "2002-2005 йилларда ва 2010 йилгача бўлган даврда рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" дастурини амалга ошириш доирасида устун мавқега эга компаниялар фаолиятини тартибга солиш, давлат харидлари механизмининг самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг корхоналарнинг хўжалик юритиш

[1] Антимонопол тартибга солишга ҳавола ёки антимонопол қонунчилик қоидаларининг такрорланиши "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларда мавжуд.

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 23 мая 1996 года №УП-1464 «Об образовании Комитета по демонополизации и развитию конкуренции при Министерстве финансов Республики Узбекистан».

[3] Указ Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2000 года №УП-2676 «Об образовании Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации и развитию конкуренции». (Настоящий Указ утратил силу в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 30 апреля 2005 года № УП-3602 «Об образовании Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации, поддержке конкуренции и предпринимательства». – Ред.)

[4] Аналитический доклад ЦЭИ "Основные направления совершенствования антимонопольной политики в условиях углубления экономических реформ", 2017 г., № 1, стр. 7.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-3602-сонли Фармони. (Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сонли «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган. – Таҳр.)

фаолиятига аралашувини камайтириш бўйича чоралар кучайтирилди[1].

Хорижий аналоглардан фарқ қилувчи охирги икки йўналиш Ўзбекистоннинг антимонопол тартибга солишида асосий аҳамиятга эга. Хорижий антимонопол сиёсатнинг асосий вазифаси бирлашиш ва сотиб олиш жараёнини назорат қилишдир. Ўзбекистонда бирлашишни дастлабки назорат қилишни тартибга солувчи нормалар билан бир қаторда, хорижий антимонопол сиёсатларда ўхшаши бўлмаган давлат ҳокимияти органларининг рақобатга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни тартибга солувчи нормалар ҳам мавжуд. Бу давлат органлари норақобат хулқининг сабабларидан бири уларнинг ҳудудда, тармоқда ёки аниқ бозорга мувофиқ саноат сиёсатини ўтказишга йўналтирилган МДҲ мамлакатларининг ўзига хос хусусиятидир. Мос равишда антимонопол ва саноат сиёсати орасида ваколатларни белгилашда муқаррар ноаниқлик мавжуд. Бу Хорижий мамлакатлар антимонопол органлари томонидан бажариладиган оддий вазифалар тўплами чегарасидан ҳам кенг бўлган, Ўзбекистоннинг антимонопол органлари вазифалари рўйхатида акс этади.

Хусусан, "Рақобат тўғрисида"ги қонунда корхоналарни давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг уларнинг хўжалик фаолиятига аралашишидан ҳимоя қилувчи "Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш" (12-м.) ҳақидаги модда мавжуд. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар антимонопол сиёсатида қайд этилмаган, давлат ва корпоратив харидларни ўтказиш механизми, давлат ёрдамини тартибга солувчи актлар қабул қилинган.

3-босқич (2011 йилдан - ҳ.в.). Молия бозорларини антимонопол тартибга солиш.

2008-2010 йиллардаги глобал инқироз ҳатто энг тараққий этган мамлакатларнинг ҳам молиявий тизими мукаммал эмаслигини яққол кўрсатиб, барча мамлакатларнинг ривожланиш динамикасига салбий таъсир қилди. Инқироз молия бозорларида "пуфак"ларни пайдо бўлишини олдини олишда мазкур бозорларни айнан антимонопол тартибга солиш муҳим роль ўйнашини аниқ кўрсатиб берди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августда "Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 230-сонли қарори қабул қилинди. Унда молия бозорида устун мавқеини эътироф этиш тартиби, хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби, хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги акцияларни ва бошқа мулкий ҳуқуқларини олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 майдаги "Монополияга қарши органнинг табиий монополиялар субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиши тартиби тўғрисида"ги 118-сон қарори билан "Монополияга қарши органнинг табиий монополиялар субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиши тартиби тўғрисидаги низом" тасдиқланди. Монопол маҳсулотлар рўйхати ва турларини тубдан қисқартириш ҳамда монополияга қарши тартибга солишнинг халқаро принципларига ўтишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги "Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 249-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ нархларни давлат томонидан тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ўрнатиш, тартибга солувчи коэффициент, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражаси ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) фақат:

– ушбу қарорнинг 2-иловасида келтирилган нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхатидаги товарларга (хизматларга);

– табиий монополия шароитларида ишлаб чиқариладиган товарларга (кўрсатиладиган хизматларга);

[1] 2010 йилда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг вазифалари ва ҳуқуқларига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

1-жадвал. Антимонопол органларнинг масъул бўлган соҳалари: ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар[1]

	Ўзбекистон, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	Европа Иттифоқи, Competition Commission European Union	АҚШ, Federal Trade Commission & Antitrust Department, Ministry of Justice	Россия, Федеральная антимонопольная служба
Йирик сотувчилар томонидан рақобатни чеклаш(устун мавқе)	Масъул, "Рақобат тўғрисида"ги қонун 6,10 м.	Масъул	Масъул	Масъул
Рақобатни чеклайдиган келишувлар	Масъул, "Рақобат тўғрисида"ги қонун 11 м.	Масъул	Масъул	Масъул
Қўшиб олиш ёки қўшиб юборишнинг дастлабки назорати	Масъул, "Рақобат тўғрисида"ги қонун 18 м.	Масъул	Масъул	Масъул
Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чекловчи аралашуви	Масъул, "Рақобат тўғрисида"ги қонун 12 м.	Масъул эмас	Масъул эмас	Масъул эмас
Инсофсиз рақобат	Масъул, "Рақобат тўғрисида"ги қонун 13 м.	Масъул эмас	Масъул	Масъул
Давлат харидлари	Давлат харидлари учун масъул орган-Молия вазирлиги ғазначилиги. Корпоратив харидлар учун масъул орган-антимонопол орган	Масъул эмас	Масъул эмас	Масъул
Далват кўмаги	Масъул, Тендер савдоларини ўтказишдаги имтиёзлар (21.11.2000даги ВМҚ-456, 03.07.2003даги ВМҚ-302)	Масъул эмас	Масъул эмас	Масъул
Истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимояси	Масъул, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун № 221-I, 26.04.1996	Масъул эмас	Масъул	Масъул
Реклама тўғрисидаги қонунчилик	Масъул, "Реклама тўғрисида"ги қонун № 723-I, 25.12.1998	Масъул эмас	Масъул эмас	Масъул
Тармоқ бўйича тартибга солиш (энергетика ва/ёки транспорт)	Масъул, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун № 398-I, 24.04.1997	Масъул эмас	Масъул	Масъул

[1] Аналитический доклад ЦЭИ "Основные направления совершенствования антимонопольной политики в условиях углубления экономических реформ", 2017 г., № 1, стр. 8; Федеральная антимонопольная служба России/ https://fas.gov.ru/pages/gosuslugi_i_funkcii;http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102087991 маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини (тарифларини) тартибга солиш назарда тутилган товарларга (хизматларга) нисбатан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

2012 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2017 йилда Хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштирилгандан кейин амалий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланиб, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилган эди.

Аммо 2019 йилда иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

Бир орган доирасида давлат активларини бошқариш, монополияга қарши ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш функцияларининг жамланиши натижасида юзага келган тизимли муаммоларни[1] ҳал қилиш: (Давлат иштирокидаги корхоналар (ДИК)да давлат органлари аралашувининг юқорилиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқлиги;

Режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, паст техник даража, ихтисосликка кирмайдиган активлар мавжудлиги, ДИКларда инвестициявий жозибадорликнинг пастлиги;

Давлат активларини ҳисобга олишнинг тартибсиз тизими, хусусийлаштириш жараёнларини бошқаришнинг самарасизлиги, институционал салоҳиятнинг сустлиги;

Ўз вақтида ва самарали текширувлар ўтказиш учун ваколатли органда ҳуқуқлар ва институционал потенциалнинг етарли эмаслиги;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар ва бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш тизимининг йўқлиги, бозорларни таҳлил қилиш усулларининг эскирганлиги;

Монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат ҳуқуқи ва сиёсати, шунингдек истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кадрларни тайёрлашнинг барқарор тизими йўқлиги;

Капитал бозорининг ҳозирги ҳолати инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд имконият ва салоҳиятдан фойдаланишга имкон бермаётганлиги);

институционал ва таркибий ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, капитал бозорининг ишончли ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5630-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ қуйидагилар ташкил этилди:

– Давлат активларини бошқариш агентлиги;

– Монополияга қарши курашиш қўмитаси;

– Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги;

– Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси.

– Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш Республика маркази Савдо-саноат палатасига берилди.

Тугатилаётган Давлат рақобат қўмитасининг қуйидаги функциялари:

- бўш турган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш функцияси - Давлат солиқ қўмитаси ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига;
- бўш турган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича идоралараро комиссияларнинг ишчи органи сифатидаги функцияси — Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ўтказилди;
- Давлат активларини самарали бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш — Давлат активларини бошқариш агентлигининг;
- Товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиё-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5630-сонли Фармони.

1-диаграмма. Саноатнинг 1991-2019 йилларда тармоқлар бўйича таркиби, %[1]



сатини амалга ошириш — Монополияга қарши курашиш қўмитасининг;

- Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш — Капитал бозорни ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5817-сон Фармонига кўра Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилди.

Қўмитанинг янги бўлинмасига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама бозорини тартибга солиш, товарлар хавфсизлиги ва сифати устидан назорат қилиш, аҳолининг истеъмол саводхонлиги ва маданиятини ошириш вазифалари юклатилди. Шунингдек, агентлик судларда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Умуман олганда, 1996-2020 йиллар давомида Табиий монополия субъектларининг Давлат реестридаги корхоналар рўйхатига кирувчи корхоналар сони 6 баробарга камайди. Шу билан биргаликда, баъзи тенденциялар айрим тармоқларда ва фаолият турларида монопол ҳолатнинг сақланиб қолаётганидан далолат бермоқда.

<u>Саноат тармоқлари таркибида хом ашё тармоқлари улушининг ортиши.</u> Мазкур тармоқлар юқори концентрацияси ва бозорга янги иштирокчиларнинг кириш имкониятларининг чекланганлиги билан ажралиб туради. Маълумки, қанча юқори концентрация бўлса, сотувчилар юқори нархларни сақлаб қолинишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига рақобатдан воз кечишга шунча мойил бўлади. Саноат тармоқлари таркибида 1991-2019 йиллар давомида хом ашё тармоқлари (металлургия, ёқилғи, энергетика)нинг улуши 16,9% дан 26,8% гача ошган. Шунингдек, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилга нисбатан 2019 йилда қарийб 8 баро-

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6570-523523

Муҳим товарларнинг жаҳон ва ички бозорлардаги нархлари (08.06.2020 – 12.06.2020 ҳолатига)[1]



Эслатма: Ички нархларни АҚШ доллари эквивалентида қайта ҳисоблаш 18.06.2020 ҳолатидаги алмашинув курси (10151.9 сўм 1 АҚШ доллари) бўйича амалга оширилди. http://cbu.uz. Шу билан бирга қуйидаги ўлчов бирликларидан фойдаланилди: 1 тонна кунгабоқар ёғи = 1081.08 литр кунгабоқар ёғи, 1 тонна бензин = 1293 литр бензин, 1 галлон бензин = 3.78 литр бензин.

барга ошганига қарамасдан, саноат таркибида хом ашё тармоқларининг улуши юқорилигича қолмоқда[2].

Қатор муҳим товарлар бўйича ички нархларнинг жаҳон нархларидан ошиб кетиши. Қоидага кўра бундай вазият мос бозорларда рақобат муҳити кучсиз эканлигини кўрсатади. Бу мазкур бозор иштирокчиларига товар ва хизматларнинг ички нархларини кўтариш имконини беради. Жаҳон нархларидан юқори бўлган нархларда хом ашёни сотиб олиш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг айниқса қайта ишлаш тармоқларининг рақобатбардошлигини туширади.

Хулосалар.

Жаҳон тажрибаси антимонопол қонунчиликнинг ривожланиши иқтисодиётнинг динамик ўзгариши ҳамда бозор механизмларига таянилган сари либерализация, савдонинг эркинлашуви, соғлом рақобат ва истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояси жараёни билан кечганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган антимонопол сиёсат хусусий мулкчиликни шакллантириш, монополияни чеклаш, рақобатни таъминлашнинг институционал асосларини яратиш билан бошланиб, тармоқларда юқори концентрацияни сақлаб қолиниши, тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари билан тўқнашди. Шунингдек, соҳанинг хорижий давлатларникига ўхшамаган корхоналарда рақобатни чекловчи аралашувларни камайтириш, давлат харидлари механизмларини тартибга солиш каби ўзига хос жиҳатлари ҳам вужудга келди. Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш билан давом этган соҳа ривожланишининг жорий босқичи, пировардида бир органнинг кўп профиллиги туфайли юзага келган муаммоларни ечиш, иктисодиёт тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатбардошликни ошириш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, инвестицияларни жалб қилиш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вазифаларнинг янги ташкил қилинган ҳамда бошқа органлар орасида тақсимланишига олиб келди.

Шунингдек, бир қатор тармоқлар ва фаолият турларида монопол ҳолатнинг сақлаб қолиниши амалдаги монопол сиёсатнинг чекловлари мавжудлигидан далолат беради.

[1] Жаҳон нархлари - https://www.indexmundi.com/commodities/. Ички нархлар - http://uzex.uz/uz/pages/weekly-quotes.

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси/https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6570-523523

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи. - https://uza.uz/oz/politics/ra-obat-bozor-i-tisodiyetiga-atiy-tish-zharayenida-printsipi-28-05-2020

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 23 мая 1996 года №УП-1464 «Об образовании Комитета по демонополизации и развитию конкуренции при Министерстве финансов Республики Узбекистан».

3. Указ Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2000 года №УП-2676 «Об образовании Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации и развитию конкуренции». (Настоящий Указ утратил силу в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 30 апреля 2005 года № УП-3602 «Об образовании Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации, поддержке конкуренции и предпринимательства». – Ред.)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-3602-сонли фармони. (Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сонли «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган. – Таҳр.)

5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли "Рақобат тўғрисида"ги қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5630-сонли Фармони.

7. Аналитический доклад ЦЭИ "Основные направления совершенствования антимонопольной политики в условиях углубления экономических реформ", 2017 г., стр. 6, 7.

8. Федеральная антимонопольная служба России/ https://fas.gov.ru/pages/gosuslugi_i_funkcii;http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102087991

9. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси; https://antimon.gov.uz/uzb/xizmatlar/ochiq-malumotlar/tabiiy-monopoliya-subektlarining-davlat-reestri

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси/https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6570-523523

11. Мунди индекси/https://www.indexmundi.com/commodities/

12. Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси http://uzex.uz/uz/pages/weekly-quotes.